



САКЛАР ВА МАССАГЕТЛАРНИНГ ЎЗБЕК ҲАМДА ТОЖИК МИЛЛАТЛАРИ ЎТМИШИДАГИ ЎРНИ

Турсунов Фаррух Ғуломович

*Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент, University of science and technologies Ёшлар
масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи
проректори, ҚарДУ тадқиқотчиси.
farruxtursunov0583@gmail.com*

Аннотация: Ушбу мақолада қадимги даврларда Ўрта Осиёда яшаган киммерлар, саклар, даҳлар ва массагетларнинг ўзбек ҳамда тожик миллатлари ўтмишидаги ўрни кўрсатилган. Шу билан бирга Бобил, Оссурия, Элам ва Парсуа каби давлатлар билан маданий алоқаларни ўрната олган қабилаларнинг ўзбек давлатчилигидаги ўрни таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: киммерлар, саклар, даҳлар, массагетлар, сарматлар, Шумер, Одиссей, “Гилгамиш достони”, Тўмарис, Ўқёнус сувлари, Танаис.

Аннотация: В данной статье показано место киммерийцев, саков, дагалов и массагетов, живших в Средней Азии в древности в прошлом узбекского и таджикского народов. При этом проанализирована роль в узбекской государственности племен, которые смогли установить культурные связи с такими странами, как Вавилон, Ассирия, Элам и Парсуа.

Ключевые слова: киммерийцы, саки, дагалы, массагеты, сарматы, шумеры, Одиссей, «Эпос о Гильгамеше», Томарис, воды океана, Танаис.

Abstract: This article shows the place of the Cimmerians, Saks, Dagals and Massagets who lived in Central Asia in the ancient times in the past of the Uzbek and Tajik peoples. At the same time, the role of tribes in Uzbek statehood that was able to establish cultural ties with the countries such as Babylon, Assyria, Elam and Parsua was analyzed.

Key words: Cimmerians, Sakas, Dagals, Massagetae, Sarmatians, Sumerians, Odysseus, “The Epic of Gilgamesh”, Tomaris, ocean waters, Tanais.

КИРИШ.

Ўрта Осиё ҳудудида истиқомат қилган дастлабки қабилалар эронийзабон ва туркий тилли аҳоли бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудудига туркий халқлар дастлаб бронза давридан кириб кела бошланган. Ўзбекистондаги тожикларнинг келиб чиқишини тадқиқ

қилар эканмиз, уларни Тожикистондан келиб қолган деган фикрга келмаслик керак. Тўғри қардош халқ сифатида ўзбеклар ва тожикларнинг келиб чиқиши бир асосга эга. Бироқ Тожикистондаги тожик миллатига мансуб аҳоли сонидан кўра бошқа мамлакатларда истиқомат қилувчи тожикларнинг сони кўпчиликини ташкил этади. Бунинг сабабини олис ўтмиш билан боғлаймиз.

Ўзбекистон тожикларини у ёки бу ҳудуддан келиб чиққан даган фикрлар ҳам йўқ эмас, бироқ фикримизча ўзбек ва тожик халқи таркибига эронийзабон деб ҳисобланиб келинган саклар, массагетлар, киммерлар, суғдийлар, бактрияликларнинг авлодларини ҳам киритишимиз керак. Ўзбекистон тарихи тадқиқ қилинаётганда фақатгина рус тарихчилари берган маълумотларга таяниб қолмаслик керак, масалан айрим олимлар киммерларни Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси деб ҳисоблайди. Ўзбекистондаги дастлабки давлатларнинг шаклланишини ҳам Киммерлар, саклар ва массагетлар билан боғлашимиз керак. Чунки келиб чиқиши Ўрта Осиёдан деб эътироф этилаётган киммерлар Шумер давлатига асос солган. Саклар эса Эрондаги Мидия давлати шаклланиши ва мудофаасида иттифоқдош сифатида кўмак берган. Шунинг учун ҳам эътироф этиш керакки, Ўрта Осиёдаги дастлабки давлатчилик шакллана бошлаши 6 минг йилдан кам эмас деб ҳисоблаймиз. Фикримизни исботлашга ҳаракат қиламиз.

МАЗЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.

Айрим хорижий сайтларда Ўрта Осиёнинг энг қадимги аҳолиси сифатида киммерийлар ва скифлар [8] (яъни саклар) эътироф этилади. Яна бир маълумотга кўра, Скифларнинг урушдаги жасоратлари ва хусусан, отлиқлари учун улардан кўрқишган ва ҳайратда қолишган. Улар от миниб санъатини эгаллаган дастлабки одамлар эдилар ва уларнинг ҳаракатчанлиги қўшниларини ҳайратда қолдирди. Скифларнинг Осиёдан кўчиши охир-оқибат уларни Кавказ ва қора денгизнинг шимолидаги текисликларни анъанавий равишда бошқарган киммерлар ҳудудига олиб келди. 30 йил давом этган урушда скифлар киммерийларни йўқ қилдилар ва ўзларини ғарбий Форсдан Сурия ва Яҳудия орқали Миср чегараларигача чўзилган империя ҳукмдорлари сифатида кўрсатдилар [8]. Киммерлар фаолияти кўпгина ёзма манбаларда ҳам скифлар билан боғланади. Киммерларнинг келиб чиқиши эронийзабон Ўрта Осиёнинг аҳолиси сифатида эътироф этилиб, Тарих отаси Геродот томонидан скифлар билан боғланса ҳам уларни янги маданият яратувчиси сифатида ўз тарихи билан боғлашга ҳаракат қилишади.

Кўчманчи сак қабиалари Евросиё даштларида кўчиб юрганлар. Марказий Осиёда Сирдарё бўйлари, Қозоғистон даштлари, Каспий ва Орол атрофларида яшаганлар. Илк бор сак қабиалари Оссурия пойтахтидаги Иштар ибодатхонасини қазиб вақтида мармар тахтага подшоҳ Ашурбанипал (м. а. 669 – 631 йиллар) ёздирган битикда қайд этилган. Бу ёзувда киммерийлар сардори сак подшоҳи деб аталган.

Скифларнинг кўчманчи қабилалари Осиёда яшашарди. Массажетлар уларни ҳарбий куч билан сиқиб чиқарганларидан сўнг*, улар Араксни кечиб ўтиб киммерийларнинг ерларига кириб келганлар (ҳозирда скифлар яшайдиган юрт, айтишларича, аввал киммерийларники бўлган). Скифлар яқинлашиб қолгач, кўп сонли душманга қарши қандай чора кўришни муҳокама қилиш учун киммерийлар йиғинга тўпландилар. Икки хил таклиф ўртага ташланди. Икки тараф ҳам ўз таклифини қаттиқ ҳимоя қилганига қарамай, подшоҳларнинг айтгани маъқул кўрилди. Халқ бунчалик катта кўшин билан урушмасдан, бошқа ерларга кўчиб ўтишни, подшоҳлар эса, ўз ерларини босқинчилардан қаттиқ туриб ҳимоя қилиш кераклигини таъкидладилар. Шундай қилиб, халқ подшоҳларнинг айтганига кўнмади, шоҳлар эса халқ қарорига бўйин эгишни истамадилар, халқ бошқа ерларга кўчишга, ўз ерини эса жангу жадалсиз босқинчиларга ташлаб кетишга қарор қилди; подшоҳлар эса халқ билан бирга қочиқинликка кетишдан кўра ўз юртларида урушда ўлишни маъқул топдилар. Улар ватанларида роҳат-фароғатда яшаганларидан, беватан қувғиндиларнинг бошига не балолар тушиши мумкинлигини яхши туярдилар. Хуллас, икки қарор халқни иккига бўлди ва улар бир-бири билан уруш бошладилар. Оға инилар ўртасидаги урушда ўлганларнинг барини Тираса* соҳилига кўмишди-да (подшоҳларнинг турбатларини шу кунларда ҳам кўриш мумкин), ватанларини тарк этишди. Скифлар эса эгасиз қолган юртни эгаллаб олдилар [7]. Герадот берган маълумотлар ҳам фикримизни исботлайди.

Герадотнинг эътирофига кўра, киммерлар аввал скифлар ерига яшаган, бироқ скифларга қариндошлиги эътироф этилади. Ўрта Осиёдан топилган кўпгина қабрларда тақинчоқлар ва зебу-зийнатлар, қурбонлик қилинган отлар билан дафн қилиш ҳолатларини кузатамиз. Бундай урф-одатлар киммерларга тегишлидир. Скифлар юртида улардан аввал яшаган киммерлар Европада шаҳарлар цивилизацияга беқиёс ҳисса қўшган. Киммерлар биринчи чорвадорлар ва шаҳар қурувчилари сифатида ном қозонган. Уларнинг кўрсатган жасоратлари туфайли келтлар ва Конан ҳақидаги афсона ва ривоятлар яратилган. Киммерларни скифлар ерига яшаганлигига ва қариндошлик алоқалари борлиги тўғрисидаги Герадотнинг маълумотларига таяниб, улар урф-одатларининг намуналарини Ўзбекистон тарихий моддий маданиятида акс этганлигига таяниб ўзбек ва тожик миллатларининг қадимий аجدодларидан бири сифатида эътироф этиш лозим.

ТАДҚИҚОТНИНГ УСУЛЛАРИ.

Тадқиқот ишида фалсафий, тарихий-қийосий таҳлил, таснифлаш, кузатиш, чуқурлаштирилган интервью усуллардан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.

* Герадот аккад манбаларига суянмоқда. Мил. Ав. 700-йилларда скифлар массажетлар (улар ҳам скиф қабилаларидан бири) таъқибдан қочиб, Ғарбий Туркистондан Дашти қипчоққа (Ҳозирги Қозоғистон ва Россия жанубидаги ерлар) сурилганлар.

* Ҳозирда Днестр дарёси

Даҳлар. Бобоназар Бобохоннинг ёзишича, “тожик” сўзи тожикларнинг тарихий ватани шимолидаги (Бахтар чегарасидан ташқари) орий (эрон) халқининг умумий номи бўлиб, бошқа халқлар “дой” номи билан танилган. “Дойи” нимани англатишини айта олмасам ҳам (энди “дойи”дан “тожик”ни олишнинг ўзи кифоя), “*тожик*” - “*тож*”, “*тази*” дегани аниқ.

Маданиятшунослар шу кунгача ўйлаган нарсанинг бунга алоқаси йўқ. “Дойи”дан “тожик”ни тилшунослик базасидан ажратиб олиш унчалик қийин эмас. Ва бу тил ҳодисасини тасвирлаш учун кўплаб мисоллар мавжуд. Тожикистоннинг ҳозирги услубларидан қандай қилиб сўзнинг “д”си “т”га, “й” товуши “ж” товушига алмаштирилган. Илгари “сагзик” сўзи “саки” сифатдоши учун ҳам ишлатилган. Шундан келиб чиқиб, Бабаназар Бобохон, эҳтимол, “дойзик”нинг бир шакли бўлган ва кейинчалик “тойик” бўлиб, ниҳоят “тожик” бўлиб қолгандир, деган хулосага келади. Авестодаги “данҳа” сўзи билан бир хил бўлиши керак бўлган юнон манбаларининг “дой”си “Фарвардиняшт”да бўлиб, унинг баъзи мотивлари ва мазмуни Авесто готлари билан замондош, ҳатто эшондан ҳам аввалроқдир”, деб ёзади у [6]. Даҳлар Ҳозирги Туркменистоннинг жануби ва Ўзбекистоннинг бир қисмида яшаган қабила бўлиб, айрим тожик олимларининг фикрига кўра *тожик* сўзи *дайлар* номи билан боғлиқ тарзда шаклланиган.

Яна бир ёзилган маълумот таҳсинга лойиқ “Марказий Осиё халқларининг янги тўда (гала)лари, киммерияликлар ва скифлар ўзларининг эронлик биродарлари ортидан бу тоғли ўлкага келишди ва Луристонада (Эроннинг ғарбидаги тарихий ҳудуд. - тарж.) отларнинг эгар-жабдуқларини пичоқлар ва чўқморлар учликларини қолдиришди” [4]. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Эрондаги Мидия давлатининг шаклланишида ҳам Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари муносиб ўрин тутди. Ҳатто айрим давлатлар скифларга бир неча йиллар давомида ўлпон тўлаган. “Қайта ташкил этилгандан сўнг мидияликларнинг армияси Оссурияга ниҳоятда катта хавф сола бошлади. Ашшурбанипал вафот этди, унинг кучсиз ворислари ҳам Гарса сингари расмий иттифоқчиларига ҳам ёрдам кўрсатиб, ўз кучларини сарфлашга ботина олишмас эди. Ариарамна ва Кирнинг ворислари яна Киаксарга қарам бўлишга мажбур эдилар. Оссурияликлар яна орқага итғитиб юборилган эди, Кавказ тоғлари ва Каспий денгизи орасидаги ўтиш йўли орқали скифлар бостириб келгани тўғрисидаги хабар келганда, Ниневия мидияликлар томонидан қамал қилинган эди. Скифларнинг қабила бошлиғи Пратофейнинг ўғли Мадиядан мағлуб бўлгандан сўнг Киаксар бир зиёфатда маст бўлиб қолган қабила бошлиқларини ўлдирмагунча ўтган йигирма саккиз йил мобайнида скифларга ўлпон тўлашга мажбур бўлган” [4]. Скифлар деб изоҳланаётган қабилалар аслида сакларнинг ўзи эди.

Т.Нафасовнинг эътирофи этишича, Қашқадарё вилоятидаги Чироқчи тумани номининг келиб чиқиши саклар баҳодири Широқ номи билан боғлиқ. Чарук ва Широқ сирак сўзлари бир асосдан урчиган, барчаси - бир уруғ-қавм номининг товуш кўринишлари. Бу номлар қадимги сармат атамаси билан ҳам шаклдош. Сарматлар

милоддан аввалги VII - IV асрларда Волга бўйи ва Урал атрофида яшаганлиги маълум. Сарматлар эроний ва туркий тилда сўзлашган. Уларнинг тили, маданияти ва турмуш тарзи сак ва массагетларга яқин бўлган, қардош саналган. Милоднинг 4-асрида сарматлар туркий хуннлар томонидан забт этилган. Кейинчалик туркий халқларга қўшилиб, чатишиб, бирлашиб кетган. Тарихий маълумотлар қадимги сак(шак)лар, сарматларнинг маълум бир қисми туркий халқ бўлганлигини исботламоқда. Сармат, чарук, чироқ, сирак атамаларининг бош қисми *сар, чар, шир, сир* сўзи қадимги туркий халқларнинг номидир [3].

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Сак ва массагет қабилаларининг шаклланиши Ўзбекистондаги дастлабки давлатчиликнинг шаклланиши билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, киммерлар ва сарматлар билан бирга Ўрта Осиёда саклар ва массагетлар конфедерацияси шаклланган. Киммерлар (кейинчалик шумерлар деб аталган) скифлар ва массагетлар ўз даврида дунёдаги энг қудратли деб ҳисобланган Урарту, Оссурия, Элам, Парсуа каби давлатларга хавф сола олган ва айрим давлатларга душмандан мудофаа қилиш учун ёрдам берган. Асл келиб чиқиши Ўрта Осиёдан деб ҳисобланган киммерлар Месопотамия аҳолисига миххат шаклидаги дастлабки ёзувни ва жанговар араваларда ҳаракатланишни ўргатган. Массагетлар Кир қўшинларини ҳам мағлуб эта олди.

Кирнинг ўлими беҳосдан юз берди. Аракс дарёси нариги томонида яшовчи сак-массагетлар қабиласи унинг империясининг шимоли-шарқий чегараларига таҳдид сола бошлади. Жазо қўллаш чораси тарзидаги уруш муқаррар бўлиб қолди ва Кир бу урушни шахсан олиб боришга қарор қилди. Шахзода Камбисни Бобилда ҳокимият тепасида қолдириб, кексайиб қолган монарх юришга жўнади. Империя чегараси Аракс дарёсидан ўтиши учун кўприк қурилди ва Кир душман мамлакатига бостириб кирди. Аввал унга бироз омад кулиб боқди; кейин малика Тўмарис томонидан мамлакат ичкарисига олиб кирилган Кир жангда мағлубиятга учради ва ўзи яраланди. Уч кундан сўнг сакларнинг ҳеч кимга машҳур бўлмаган маликасининг ўлжасига айланган, қачонлардир қудратли бўлган истилочи вафот этди [4].

Геродот ёзган маълумотларга асосланиб Тўмариснинг қаҳрамонлиги ёзувчилар ва рассомлар ижодидан ҳам ўрин олган.



**1-расм. Италиялик рассом Маттиа Прети (1613-1699 й.) 1670-72 йилларда
чизилган расм [9]**

Герадот берган маълумотларга кўра, сарматлар савроматлар тарзида ёзилади. “Ниҳоят саккизинчи дарё **Танаисдир**. У юртнинг юқори қисмидан оқади. Катта кўлдан оқиб чиқиб, ундан-да катта – Меотида кўлига (кўл шоҳ скифларни савроматлардан ажратиб туради) қуйилади. Танаисга Сиргис деб аталувчи бошқа бир дарё ҳам қуйилади” [7]. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан турли қабилалар ва уруғлар яшаган бўлиб, уларнинг келиб чиқишини тадқиқ қилиш миллий давлатчиликнинг шаклланганлигини янада қадимийлаштиради. Шу билан бирга Ўзбекистон ҳудудидаги тожикларнинг ҳам шаклланиш тарихи қадимги эронийзабон қабилалар билан боғлиқ. Бир қишлоқда ёки маҳаллада истиқомат қилганлиги туфайли ўзбеклар орасида ҳам кўпчилик тожик шеъваларида сўзлаша олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкамов таржимаси. – Т.: “Шарқ”, 2001.- Б. 107, 335.
2. Гомер. Одиссея./Пер. с древнегреч. В. Жуковского. Вступит, статья А. Тахо-Годи; Примеч. С. Ошерова. — М.: Худож. лит., 1981. – С. 367.
3. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. Қашқадарё вилояти қишлоқлари номининг тадқиқи. Т.: “Мухаррир” нашриёти, 2009 й.– Б. 303-304.
4. Олмстед Альберт “Форс империяси тарихи”, таржимон: Д. Саъдуллаев. - Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ. 2016. – Б. 20, 23, 36, 49, 54, 93-94.
5. Саггс Х. Вавилон и Ассирия. Быт, религия, культура. // <http://base.dnsgb.com.ua/files/book/vavilon-assiriya/vavilon.HTM>
6. Шарифов Ҳ. Оид ба этноними “тожик”. Тоъикон дар сарчашмаҳои таърихи ва осори муҳаққиқон (мавод доир ба таърихи тоҷикон). Душанбе, 2018. – С. 278-279.
7. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. – Т.: “YURIST-MEDIA MARKAZI”, 2008. – Б. 10-11,19.
8. <https://www.britannica.com/place/Central-Asia>
9. <https://www.wga.hu/frames-e.html?/html/p/preti/tomyris.html>